# Хабар

HABAR

خبر

*Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри*

Сотувда эркин нархда

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 7 апрель № 14 (139) •


## “СИМЕНС“ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

Республикамизда тинчлик ва барқарорлик туфайли хорижий мамлакатларнинг фирмаларига кенг йўл очилмоқда. Қатор қўшма ва кичик корхоналар ташкил этилди. “Сименс“ ҳиссадорлик жамияти улардан биридир.

30 март куни Тошкентда машҳур фирманинг ваколатхонаси очилди. Ана шу муносабат билан ўтказилган оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги йиғилишда “Сименс“ ҳиссадорлик жамияти марказий бошқаруви аъзоси, жаноб Фолькер Юнг иштирок этди.

— Марказни очиш, — деди Фолькер Юнг ўз нутқида, — мамлакатингизда ўтказилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотларнинг мантиқий натижасидир. Бу сиёсат ширкатимиз фаолияти учун кўп имкониятлар яратмоқда. Биз узоқ муддат ҳамкорлик қилиш ниятида келмоқдамиз.

Хўш, “Сименс“ қандай фирма?

Фирма 1847 йили ташкил этилган. Энергетика, саноат, алоқа, транспорт, тиббиёт техникаси маҳсулотлари, компьютерлар ва еритиш тизимлари ишлаб чиқаради. Охирги 10 йил мобайнида “Сименс“ халқаро бозордаги фаолиятини кенгайтирди. Ҳозирча маблағ айланишининг 40 фоизи Германияга ва учдан икки қисми умуман Европага тўғри келади. Аммо Америка маблағ айланишининг 10 фоизини ташкил қилмоқда. Ҳозирги пайтда Жанубий-Шарқий Осиёда, айниқса Марказий Европада унинг ишлари яхши кетмоқда. “Сименс“ Германиядан ташқари 190 дан ортиқ мамлакатда 250 га яқин ишлаб чиқариш корхоналарига эга. Ҳозир “Сименс“ маблағ айланишининг ҳажми 85 миллиард немис маркаси ёки тахминан 60 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Хуллас, жаҳоннинг нуфузли фирмаларидан бири республикамизда жиддий ишга киришди. Ўз навбатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган муассаса, ташкилот, ўқув юртлари ва фирмалари учун ҳам қулайлик яратилди. Улар “Сименс“нинг энг замонавий маҳсулотларидан баҳраманд бўладилар. Ўйлаймизки, Клаус-Дитер Шарфф раҳбарлик қилаётган Тошкентдаги ваколатхона фаолиятидан бизнинг мамлакатимизга ҳам наф тегади.



Суратда: Жаҳонга машҳур “СИМЕНС“ фирмасининг замонавий телекоммуникация тизимидаги рақамли алоқа жиҳозлари.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

**• Шу йил 26 март куни ўтказилган Референдумда Президентимиз Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилгача узайтирилгани муносабати билан Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши Тўра оғаси Медетхон Шеримқулов, Россия Федерациясининг МДҲга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик ишлари вазири В. Сиров, Россия Федерациясидаги “Ватандош“ жамиятининг раиси Фатхулла Хўжаевлар самимий қутлов йўлладилар.**

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Индонезия Республикаси Президенти Сухарто 8-10 апрель кунлари Ўзбекистонга расмий ташриф буюради.

**• “Ўзбекистон темир йўллари“ давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли “Бухоромармар“ давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бирлашма Республикадаги буюртмачи қурилиш ташкилотларига 500 квадрат метр, Уфадаги “Камазстрой“ ишлаб чиқариш бирлашмасига 250 квадрат метр мармар плиталари жўнатди. Ушбу маҳсулот эвазига буюртмачилар автотранспорт юборишмоқда. Бирлашма ўз маҳсулотларини Туркия, Саудия Арабистонига ҳам юборадиган бўлди.**

• Қувасойда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида “Ғалаба“ боғи барпо этилди.

**• Марказий Осиё давлатларида қозоқ халқининг улуғ шоири ва файласуфи Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш юзасидан тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Абайнинг улкан тўйи БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти орқали Россия, Украина, Германия, Австрия, АҚШ, Англия, Туркия, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатларида ҳам нишонланиши мўлжалланмоқда.**

• Тожикистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Яқинда Тожикистон ҳукумати билан Европа Иттифоқи ўртасида янги битим имзоланди. Унда Европа Иттифоқининг мамлакатга 4,5 миллион ЭКЮ миқдорида қарз бериши ва кўплаб соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашда ёрдам кўрсатиши қайд этилган.

**• Эстонияда амалга киритилган фуқаролик тўғрисидаги қонунга мувофиқ эндиликда Эстония фуқаролигини олиш учун давлат тили ва мамлакат Конституцияси бўйича имтиҳон топширилади. Бундан ташқари ушбу фуқароликни олмоқчи бўлган шахс республика ҳудудида камида 6 йил муқим яшаб келган бўлиши шарт.**

• Япония парламенти кимёвий қурол-аслаҳани ман этиш тўғрисида қонун қабул қилди. Унга кўра кимёвий қурол-аслаҳани ишлатганлар умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилади.

**• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши халқаро ҳамжамият тинчликни сақлаш кучларининг собиқ Югославияда бўлиш муддатини шу йил 30 ноябргача узайтириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.**

• Ер юзидаги 700 миллиондан кўпроқ киши инглиз тилини ўзининг биринчи ёки иккинчи тили деб билади. Жаҳондаги компьютерларнинг аксарият қисмида маълумотлар инглиз тилида ёзилган.

## *ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ*

Яқинда Вазирликнинг Назорат-тафтиш бошқармасида йиллик ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш йиғилишида Вазирликнинг бўлим бошлиғи М. М. Маҳмудов, Давлат Алоқа Назорати бошлиғи Ш. Ш. Исломов, “Ўзбекистон почтаси“ концерни раиси Р. Э. Зикировлар иштирок этишди.

Унда ўтган йили қилинган ишлар ҳамда жорий йилдаги режалар, жамоа шартномаларини тасдиқлаш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича бошқарма бошлиғи Ҳ. Н. Шамсиев ва касаба уюшмаси раиси Х. Ортиқовлар маъруза қилишди. Музокарада сўзга чиққанлар қилинган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Йиғилиш сўнгида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинди.

## *САҲИФАЛАРДА:*


2. Абдуғаффор ҲАЙИТМЕТОВ:

“АЛОҚАЧИНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИНИ КЕЧИРИБ БЎЛМАЙДИ“

3. Жаброн Халил ЖАБРОН

ГЎЗАЛЛИК НИМА?

4. “ОЙНАИ ЖАҲОН“ ДАСТУРИ

## • Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

*Шу йил сентябрь ойида ўзининг 75 йиллик юбилейини нишонлайдиган Тошкент Давлат Дорилфунуни алоқа бўлими 1964 йилда ташкил этилган. Ушбу алоқа бўлими дорилфунуннинг геология факультети биносида жойлашган бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бўлимга 23 йилдан буён Абдуғаффор Ҳайитметов етакчилик қилади.*

*Абдуғаффор ака пойтахтимиздаги 4-алоқа билим юрти ҳамда алоқа техникумида (ҳозирги Алоқа коллежи) таҳсил олган. У ўз соҳасини пухта билади, ходимлардан доимо мижозларга аъло даражада хизмат кўрсатишни талаб қилади. Айни чоғда сермулоҳаза, дилкаш, муҳими — одамни ҳар қандай вазиятда ҳам тушунадиган инсон. Шу боис ҳам суҳбатимиз осон кечди.*

### АБДУҒАФФОР ҲАЙИТМЕТОВ:

# “АЛОҚАЧИНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИНИ КЕЧИРИБ БЎЛМАЙДИ“

**— Абдуғаффор ака, дорилфунун алоқа бўлимининг вазифаси нималардан иборат?**

— Алоқа бўлимимизнинг асосий вазифаси дорилфунунни телефон алоқаси ва радионуқта хизмати билан тўла, сифатли таъминлашдир.

Ҳозирда бўлимимиз ихтиёридаги 683 та радионуқта, 400 та ички ҳамда 287 та ташқи алоқа телефонларимиз ўқитувчи ва талабалар хизматидадир.

Жамоамизда ўн нафарга яқин ходим хизмат қилади. Кичикроқ АТСимизнинг бенуқсон ишлашини назорат қилиш, радионуқта ёки телефонлар хизматидаги носозликларни созлаш ҳам бизнинг вазифамизга киради. Дорилфунун ўқув бинолари ҳамда ётоқхоналар жойлашган ҳудудда алоқа юмушларини бажарамиз.

**— Ғайрати жўш уриб турган талаба ёшларга, ҳозиржавобликни хуш кўрадиган ўқитувчиларга хизмат кўрсатиш енгил бўлмаса керак?..**

— Тўғри айтасиз. Қизиққон ёшлар ва талабчан ўқитувчиларга хизмат кўрсатиш осон юмуш эмас. Вазифамизнинг ўзи ҳам доимо сифатли меҳнат қилишни, ишга масъулият билан ёндошишни талаб этади. Радионуқта, телефонлар баъзан бизга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли ишламай қолади. Шундай пайтда иложи борича мижозларимизга босиқлик, хушмуомалалик билан камчиликларнинг асосий сабабларини тушунтирамиз. “Яхши гапга илон инидан чиқади“ деган ажойиб мақолимиз бекорга айтилмаган.

**— Бўлимда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам борми?**

— Ҳозирги иқтисодий қийинчилик қайси бир корхона ёки ташкилотни четлаб ўтмаган дейсиз. Шу ўринда алоқа бўлимимизда ҳам талайгина муаммолар мавжуд. Аввало, эҳтиёт қисмлар танқислиги бизни қийин аҳволга солиб қўйган. Айниқса кабель симларини топиш мушкул юмушдир. Шунингдек, тажрибали, малакали мутахассислар бўлимимизга жуда зарур.

Кўпинча бўлимимизга мижозлар шаҳар телефони хизмати борасидаги шикоятлар билан келишади. Ўша заҳотиёқ кўрсатилган манзилдаги нуқсонни тузатишга мантўрларни юборамиз. Хизмат кўрсатадиган доирамиз катта масофани эгалламайди. Шунинг учун ҳам носозликни тез бартараф этишга эришамиз.

**— Абдуғаффор ака, алоқа соҳасида кўп йиллардан бери хизмат қиларкансиз? Айтинг-чи, соҳада ривожланиш бўлиши учун нималарга аҳамият бермоқ зарур?**

— Маълумки, алоқа соҳасининг ривожланиши республикамиз тараққиёти учун ҳам хизмат қилади. Бунга бефарқ қараш асло мумкин эмас. Шу кунларда хорижддан кўплаб замонавий алоқа асбоб-ускуналари келтирилиб, республикамизнинг турли ҳудудларида ўрнатилмоқда. Бу келгусида яхши натижалар беришига ишончим комил, албатта. Аммо ҳозирданоқ ўша замонавий ускуналарда мустақил ишлай оладиган мутахассислар тайёрлашга бутун диққат-эътиборни қаратмоқ даркор деб ўйлайман.

**— Алоқачиларда қайси фазилатлар мужассам бўлиши лозим деб ўйлайсиз?**

— Алоқачилик шарафли касб. Бу касб эгалари энг аввало хушмуомала, босиқ, ўз ишига фидойи, жонкуяр бўлишлари лозим.

**— Келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Энг аввало дорилфунун юбилейи муносабати билан АТСимизга янги алоқа жиҳозлари ўрнатиб, телефон рақамларимизни 1000 та рақамга етказмоқчимиз. Шунингдек, бўлимизга тажрибали мантўрларни жалб қилиш ниятимиз бор.

**...Абдуғаффор ака билан узоқ гурунглашдик. Суҳбатимиз кўпроқ иш тўғрисида бўлди. Шундай бўлса-да, ишчан акахонимизнинг оилавий ҳаётлари ҳамда қизиқишлари ҳақида сўраб-суриштирдим. Рафиқалари — Гулниса опа билан тўрт нафар фарзандни тарбияламоқда. Оилалари билан табиат қўйнида тез-тез бўлиб, дам олишни хуш кўрадилар. Ниятлари улуғ — жигарбандлари халқ хизматига ярайдиган, қобил фарзандлар бўлиб етишса, уларнинг камолини кўриш бахти насиб этса...**

**Эзгу ниятларингиз илоҳим ушалсин, Абдуғаффор ака!**

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**
**суҳбатлашди**

## *НИШОНЛИК ХОЛТЎРА МАНТЎР*

— Қўрқиб уйғониб кетсам, бошимда отам ўтирибдилар, — дейди Холтўра. — Тушимда босинқираган эканман.

— Ўзингни тут болам, уйдасан, — отам нуқул дуо ўқиб, мени юпатардилар...

Холтўра ҳам уруш кўрганларнинг бири. Рисқ-насибаси бутун экан, жангу-жадаллардан соғ-саломат она юртига қайтди. Аммо мана орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтяптики, юрагида армонлари лиммо-лим. Чунки у тенги йигитларнинг чекига...

... Ҳамон тўпларнинг гумбурлаши, самолётларнинг қулоқни қоматга келтириб учишлари, мўри-малахдек ёпирилган танклар ҳужуми — ҳамма ҳаммаси кўз ўнгидан кетмайди, қулоқлари остида акс-садодай жаранглаб туради...

Мана ўн икки йилдирки, Нишон тумани электр алоқа тармоғи корхонасида ишлаяпти. Энг ишчан, энг илғор, энг тажрибали мантўрлардан бири.

— Қани энди сафимизда Холтўра Зулфиқоровга ўхшаган қўли гул, ҳунарли йигитлар кўп бўлса, — дейди корхона бошлиғи Самад Каримов. — Холтўра ўз ишини санъат деб биладиган йигитлардан, қандай оғир юмуш бўлмасин, бекаму-кўст, кўнгилдагидек қилиб бажаради.

— Янги Нишон шаҳрида мантўр бўлиб ишлаяпман. Радиоларнинг, телефон ускуналарининг ишлашини назорат қилиб бораман. Янги кабеллар тортаман, бузилган нуқталарни зудлик билан созлайман. Ўз ишимни шунчалик севаманки, дунёда мен учун мантўрликдан улуғ иш борлигига сира-сира ишонгим келмай қолади...

Холтўра Зулфиқоров рафиқаси Саломат Турсунова билан бир-биридан ширин Лазизбек ва Жавоҳиржонларни вояга етказишмоқда. Отаси Чори бобонинг ўгитларини ёддан чиқармайди. Ишида ҳам, уйида ҳам ота насиҳатларига амал қилади. .

Ҳа, нишонлик Холтўра мантўр бугун ҳамкасбларининг илғори, тажрибалиси.

**Жалол ЯХШИБОЕВ,**
**Қашқадарё вилояти**

# ХИЗМАТДА — “ЎЗДУНРОБИТА“



**Суратда: “Ўздунробита“ қўшма корхонасининг Маркетинг бўлими муҳандиси Марат Ҳайдаров иш устида.**

**Суратқаш: Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгач, МДҲ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб уяли алоқа станцияси қуриш ишига бел боғлади.

Дастлаб чет эллик сармоядорлар орасидан ишончли ҳамкорлар излаб топилди. Сўнг иқтисодий ўзгаришларни амалга ошираётган мижозларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, уяли телефон алоқасини жорий қилишга киришилди. Давлат бошқарув муассасалари ва ишбилармонлар учун самарали шароит дегани — даставвал ахборотни тезкорлик билан олиш, тижорат соҳасида фикр алмашиш, жаҳон бозоридаги ўзгаришларни кузатиб бориш демакдир. Чунки замонавий алоқа воситаларисиз ҳар қандай давлат ҳам гуллаб-яшнаб кетолмайди.

Республика Алоқа вазирлиги Американинг “Интернейшл компоникейшн“ фирмаси таклифини эътиборга олиб, бу янгиликни жорий қилишга киришди. Финляндиянинг “Нокия“ фирмаси зарур жиҳозлар етказиб беришни зиммасига олди.

Ишнинг бошида малакали мутахассисларни топиш муаммодек кўринган эди. Бир гуруҳ мутахассислар Финляндия ва АҚШда аъло даражали алоқа техникасини ўрганиб қайтишди. Мана икки йилдирки, Ўзбекистонда “Ўздунробита“ қўшма корхонаси маҳаллий мутахассислар жонбозлиги билан уяли алоқа тизимини кўнгилдагидек бошқариб турибди.

Биринчи станция чексиз имкониятларини намойиш қилгач, янада юксакроқ алоқа воситаларини жорий этиш имконияти туғилди.

“Ўздунробита“ қўшма корхонасининг раҳбари Юрий Васильевич Снежковнинг таъкидлашича, малакали маҳаллий мутахассисларсиз ишни бунчалик муваффақиятли ташкил қилиб бўлмас эди. Мутахассисларга суяниш — бизнинг асосий қоидамиздир. Шунинг учун қўшма корхонанинг Тошкентдаги ва вилоятлардаги корхоналарига ҳам маҳаллий мутахассислар жалб қилинмоқда. Жамоалар ягона мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Иқтисодий ривожланган корхоналарда тижорат хизмати ҳам йўлга қўйилган бўлиши керак. Бу соҳада ҳам “Ўздунробита“ бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

“Ўздунробита“ қўшма корхонаси ўзининг икки йиллик фаолияти давомида юқори натижаларга эришди. Барча ишлаб топилган фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва замонавий, янги техникаларни сотиб олишга сарфланмоқда. Корхона аллақачон ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтган. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, “Ўздунробита“ қўшма корхонасидан давлатимиз бюджетига катта пул ва валюта маблағлари тушмоқда. Шунинг учун бўлса керак, жамоа AMPS тизимидаги станцияга маблағни ўзи мустақил равишда топди. Маркетинг хизмати бошлиғи Равшан Иброҳимов, мижозлар бўлимининг бошлиғи Клара Алимуҳамедова каби заҳматкаш ходимлар туфайли “Ўздунробита“нинг обрўси ортиб бормоқда.

Владимир Лазаревич Штейнберг — “Ўздунробита“нинг техник директори — шу техниканинг “тилини“ яхши тушунадиганлардан. Тошкентдаги биринчи ва иккинчи уяли алоқа станцияларини пайвандлаш, Урганч ва Самарқандда уяли телефон алоқа иншоотларини қуриш ва ишга тушириш унинг раҳбарлигида амалга оширилган. Бошқа шаҳарлардаги уяли алоқа бўйича янги қурилишлар ҳам шу техник хизмат мутахассислари иштирокида амалга оширилади. Асосийси — техник хизматчилар ўз маҳоратларини юксак даражада намойиш қилишмоқда. Улар ўз олдиларига бутун республикамизни уяли алоқа тури билан таъминлаш ва Роуминг тизими орқали жаҳон тизимига чиқишни мақсад қилишган. Бу хайрли ишга Тоҳир Эшонов, Мустафо Рамазонов, Марина Бралгина, Владимир Савельев, Бахтиёр Мўминов каби фидойи муҳандислар бутун куч-ғайратини аямай улуш қўшмоқдалар. Хуллас, “Ўздунробита“ жамоаси ўзининг фидокорона меҳнати билан республикамиз мустақиллиги йўлида муносиб хизмат қилмоқда.

**А. КУДИНОВ**

## ТАЙИНЛАШ



Ҳозирги бозор иқтисоди шароити янгича талабларни ўртага қўймоқда. Жумладан, раҳбар ходимлар тайёрлаш ва улар билан ишлаш, хорижга хизмат сафарига юбориш каби муҳим вазифаларни такомиллаштириш давр талабидир. Раҳбарларни ишга қабул қилиш ҳам замон руҳига мосланаётир; бу ишлар шартномалар асосида амалга ошириляпти. Илгари Тошкент Электротехника Алоқа институти ва Алоқа коллежи вазирлик таркибида эмасди. Мустақилликдан сўнг бу ўқув масканлари вазирлик ихтиёрига ўтказилди. Натижада ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар кўпайди.

Давр талабига жавобан кадрлар масаласида тўпланиб қолган муаммолар эътиборга олиниб, вазирликда раҳбарлар ва мутахасислар тайёрлаш бўлимига ўзгартириш киритилди. Натижада янги бўлим — Раҳбар ходимлар ва ўқув юртлари бўлими ташкил этилди.

Раҳбар ходимларни тайёрлаш, жойлардаги корхоналарга етук мутахассисларни раҳбарликка тайинлаш ва улар билан шартномалар тузиш ҳамда Алоқа институти ва Алоқа коллежини бошқариш, чет элга хизмат сафарини ташкил этиш каби муҳим ишларни амалга ошириш билан боғлиқ юмушлар ушбу бўлим вазифасига киради.

Ушбу масъулиятли бўлимга бошлиқ этиб Равшан Акбарович АСҚАРОВ тайинланди.

Равшан Асқаров алоқа корхоналарида 30 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида хизмат қилиб келмоқда. У меҳнат фаолиятини 1963 йили қурилиш-монтаж бошқармасида пайвандчиликдан бошлаган. 1969 йили Тошкент Электротехника Алоқа институтини тугатди. 1969-1970 йиллари армия сафида хизмат қилган.

**Шундан сўнг Ўзбекистон лойиҳалаш алоқа институтида оддий муҳандис, 1978-1991 йиллар давомида эса директор лавозимида ишлаган. 1992 йилда Вазирликдаги халқаро алоқалар бўлимини бошқарди, сўнгра халқаро алоқалар ва чет элга хизмат сафарлари бўйича бош мутахассис вазифасида хизмат қилган. Вазирлик унинг узоқ йиллик меҳнат фаолиятини эътиборга олган ҳолда ушбу вазифани ишониб топширди. Биз Р. Асқаровнинг бу вазифага тайинлангани билан қизғин қутлаб, унинг келгуси ишларида муваффақият тилаймиз.**

Жаброн Халил ЖАБРОН

# ГЎЗАЛЛИК НИМА?

*Шоир сўради:*

*— Ё, расулуллоҳ, гўзаллик нимадур?*

*Пайғамбар жавоб берди:*

*- Агар гўзаллик сизнинг йўлингиз ва етакчингиз бўлмас экан, уни қаердан излайсиз ва қаердан топасиз?*

*Сўзларингиз тахи чиройли бўлмаса, уни қай сўз билан айтасиз?*

*"Гўзаллик меҳрибон ва мулойимдур, — дейдилар ғариб ва мискинлар. — У, етимлар ҳузурига ҳае ва ибо билан келаётган ёш онадур".*

*"Йўқ, гўзаллик қудратли ва даҳшатли кучдир, — дейдилар эҳтиросли, жўшқин ёшлар. — У, бўрон каби еру осмонни ларзага келтиради".*

*Серғайрат, сершовқин одамлар эса: "Гўзаллик тоғлардан қичқириб келади, унинг қичқириғига отлар туёқларининг дупури, қанотлар шовури ва арслонлар наъраси жўр бўлиб келади".*

*Шаҳарни қўриқлайдиган тун соқчилари эса: "Гўзаллик тонг шафақига ўхшайди", дейдилар.*

*Қишда қор босиб қолганлар эса: "Гўзаллик билан бирга қирларга баҳор келади" — дейдилар.*

*Ёз жазирамасида толиққан экин ўрувчилар: "Гўзаллик куз япроқларидек ҳилпирайди, сочларида қор шудрингдек ялтирайди", дейдилар.*

*Сизлар шундай дейсизлар. Сизлар гўзаллик ҳақида эмас, ўз орзу-истакларингиз ҳақида гапирдингиз.*

*Аслида гўзаллик — орзу-истак эмас, балки жозибадур.*

*Гўзаллик — ташна лаблар ва тиланчининг умид билан узатилган қўли эмас.*

*Гўзаллик — оташин юрак ва мафтункор қалбдур.*

*У — сиз эшитишни истаган қўшиқ ҳам эмас.*

*Аммо у кўзингиз юмуқлигида ҳам кўринадиган сурат, жимжитликда ҳам эшитиладиган куйдур.*

*Гўзаллик — мангу куйлаб турган жаннат боғи, мангу учаётган лак-лак фаришталардур.*

*Эй, Орфалус аҳли! Гўзаллик — ўлим билмайдиган мангу руҳдур. Гўзаллик сир устидаги ҳижоб — тўсиқ пардадур.*

*Аммо сизларда мангу руҳ ҳам бор, сирларни тўсиб турган ҳижоб ҳам бор.*

**Маҳкам МАҲМУД таржимаси**



БЕҒУБОРЛИК

*• Ажаб дунё*

## АХЛОҚИЙ ТАНАЗЗУЛ

Буюк Британиядаги 15-35 ёшли фуқароларнинг 66 фоизи ахлоқий таназзулга учраганликлари ва яхшини ёмондан фарқлай олмасликларини тан олишди. Жамоатчилик фикрини ўрганувчи умуммиллий сўрови натижалари шундан далолат беради.

Сўровда 1200 киши қатнашди. Уларнинг аксарияти сиёсатчилар, матбуот ва қирол хонадони аъзоларининг хатти-ҳаракатлари ахлоқий жиҳатдан намуна эмас деб ҳисоблашади.

Муаллимлар, дўхтирлар, ота-оналар ва ҳатто миршаблар ёшларнинг дурустгина ҳурмат-эҳтиромига сазовор экан. Сўровда қатнашганларнинг ҳар еттитасидан биригина черков ёшларнинг "савоб нимаю гуноҳ нима" эканлиги ҳақидаги тасаввурига таъсир ўтказади дейишди.

Британиялик ёшларнинг фақат икки фоизигина ҳозирги Бош вазир Жон Мейжор сиёсатини қўллайди.

## ЮРГАН ДАРЁ...

Бир кунда ўттиз дақиқа жисмоний машқ билан шуғуллансангиз дўхтирга муҳтожлик сезмайсиз. Америкадаги саломатлик бўйича миллий марказ шундай хулосага келди.

Жонингизни ортиқча койитмай, кунига 2-3 километр тез юришни одат қилсангиз кифоя. Кундалик жисмоний машқлар турли юрак хасталиклари, хафақон, қанд касалликларидан муҳофазаланишда яхшигина воситадир. Бундай ўнғай соғломлаштириш дастури бевақт ўлимнинг олдини олади.

Мутахассисларнинг қайд қилишича, АҚШда ўлимнинг 12 фоизи жисмоний машқ билан етарли, мунтазам шуғулланмаслик оқибатида рўй берар экан.

## СИЧҚОН САБАБЧИ БЎЛДИ

Бу воқеа Вьетнамнинг жанубида юз берди. "Лао Донг" газетасининг ёзишича, енгин чиқишига қишлоқлардаги уйлардан бирида фонус чироқни агдариб юборган сичқон сабабчи бўлди.

Фалокат маҳали уйда ҳеч ким йўқ эди. Ёнгин тезда бутун қишлоққа тарқалди. Натижада 193 уй куйиб битди, бир ёшли гўдак нобуд бўлди, 880 киши бошпанасиз қолди.

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

### КЎРГИЛИК

Бир куни Марк Твен бир шаҳарга маъруза ўқигани борибди. Ўзига андак оро бериш учун сартарошхонага кирибди.

— Сиз яқинда келганга ўхшайсиз шаҳримизга, — дебди сартарош.

— Ҳа, шундай.

— Омадингиз бор экан, бугун Марк Твен маъруза ўқийди. Борасизми?

— Ҳа, албатта.

— Лекин тик туришингизга тўғри келади — ҳамма чипталар сотилиб бўлган эмиш.

— Қизиқ, у қачон маъруза ўқиса менинг тик туришимга тўғри келади.

### "УЙГА БОРИШИМ КЕРАК"

Таниқли композитор Александр Бородин уйига дўстларини таклиф этди. Оқшом гурунгги ниҳоятда мароқли ўтди. Бир маҳал Бородин шошиб ўрнидан турди-да, меҳмонлар билан хайрлаша бошлади.

— Йўл бўлсин, Александр Порфирьевич? — меҳмонлар ажабланиб, бир-бирларига қараб қолишди.

— Хайр, яхши қолинглар, уйга боришим керак, эрталаб маърузам бор, — деди Бородин.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Шундагина мезбон ўз уйида эканлигини пайқади.

### ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Америкалик Леопольд Стоковский ўз даврининг машҳур дирижёрларидан бири эди. У кунларнинг бирида концерт чоғида оркестрни тўхтатиб, ниҳоятда шовқин солаётган томошабинларга шундай деди:

— Рассомлар ўз асарларини полотноларга чизадилар, музикачилар ўз куйларини залда сукунат бўлганда ижро этадилар. Бинобарин, биз сизларга музикани ҳадя қиляпмиз. Сизлар ҳам бизларга осойишталикни бахш этсангиз...

# ЎЗИНГИЗ КИМСИЗ?

## *Ҳажвия*

**Жуда бир антиқа ҳикояни бошлаш ниятида ўтирардим. Ёзув столимдаги телефон жиринглаб қолди. Телефон гўшагини олиб, қулоғимга тутдим.**

**— Менга Назирахонимни чақириб берсангиз?**

**— Назирахонимнними? — ўз қулоқларимга ишонмай, яна бир карра сўрадим. — Кечирасиз, ўзингиз ким бўласиз?**

**— Мен билан ишингиз бўлмасин? Назирахонимни чақириб беринг — тамом вассалом!**

**Кўзларим пир-пир учиб, бир қўлимда телефон гўшагини ушлаганча ҳайкалдек қотиб қолибман. Эшикдан кириб келган хотиним аҳволимни кўриб, сўради:**

**— Ҳа, дадаси, сизга нима бўлди?**

**— Сени биттаси йўқлаяпти, — дедим гапиришга ҳам мажолим келмай.**

**Хотиним югуриб келди-да, телефонни олди. Гўшакдан ҳалиги сурбетнинг овози эшитилиб турарди.**

**— Назирахоним, сизмисиз. Роса кутдириб қўйдингиз-ку. Худди етилган тарвуздай тарс ёрилиб кетишимга сал қолди.**

**— Вой ўлай, ўзингиз ким бўласиз?**

**— Қўйинг, ўлманг, Назирахоним. Сиздан бу гапларни эшитгунимча мана мен ўлсам бўлади...**

**Хотиним ғалати бўлиб кетди. Жонҳолатда бақирди:**

**— Ўзингиз кимсиз, ахир?**

**— Ўзимни сўраб нима қиласиз. Сизни кўрганимдан, лаъли-лабларингиздан бир оғиз ширин сўзингизни эшитганимдан буён на ақлим, на ҳушим ўзимда. Бугун кутдим, келмадингиз. Йўлларингизга кўз тутаман. Қани энди товусдай товланиб, бир қиё боқсангиз, Назирахоним.**

**— Ҳой, яхши йигит! Қаерга телефон қилаётганингизни биласизми ўзи? — деди хотиним жиккa терга ботиб.**

**— Сизни билмасам қўнғироқ қилармидим, Назирахоним?**

**Хотиним жаҳл отига минди:**

**— Ҳой, беадаб! Кимсиз ўзи? Ахир менинг биноййдек эрим, ўғил-қизларим бор.**

**— Эрингиз бўлса, болаларингиз бўлса, нега менинг бошимни айлантириб юрибсиз?**

**— Бефаросат! Уялмайсизми, шу гапларни айтгани?!**

**— Ахир сиз телеграфда ишлайсизми?**

**— У ерда ишлашимни қаердан биласиз?**

**— Э-ҳа, илк учрашувлар, биринчи ширин бўсалар, бир умрга бирга бўлиш ҳақидаги аҳду-паймонлар унутилдими? Ўн саккиз яшар қизнинг бир неча боласи борлигига ким ишонади?**

**Хотиним ўзига келиб, хохолаб кулиб юборди.**

**— Яхши йигит, маълумотингиз учун айтиб қўяй: менинг ёшим қирқ бешда. Эрта-индин невара кўраман. Сиз...**

**Хотиним сўзини айтишга улгурмай, гўшакдан қисқа-қисқа гудок эшитилди. Хотиним телефон гўшагини оҳистагина жойига қўйди...**

**Эркин ҚОДИРОВ**


МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

•

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Рустам СОБИТ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0175 . 11905 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

